Ислом Нури

Такбир билан қўлларни кўтариш:

□□□□□ □□□□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□ □□□□□□□ □□□□□□ □□□□ □□□□□□□□□ □□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□□ □□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□□ □□□ □□□□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□ □□□□□ □□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□ □□□□ □□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□) □□□□□□□□□□ □□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□ □□□□ □□□□□□□□ □□□□□ □□□□).

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу шундай дейди: Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни кўрдимки, намозни такбир билан бошладилар, такбир айтган пайтларида икки қўлларини икки елкалари баробарида кўтардилар. Рукуъга такбир айтганларида ҳам худди шундай қилдилар. «Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳ» деганларида ҳам шундай қилдилар ва «Роббана ва лакал ҳамд» дедилар. Саждага борганларида ва саждадан бош кўтарганларида эса бундай қилмасдилар.

Тасбеҳ айтиш:

□□□□□□□□□□ □□□□ □□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□ □□□□□□□□□ □□□ □□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□□□□ □□□□□□□□□ □□□□□ □□□□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□□□□ □□□□ □□□ □□□□) □□□□□□□□□).

Имом Абу Довуд ривоят қилган ҳадисда Ҳузайфа розияллоҳу анҳу айтади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан намоз ўқиганман, у зот рукуъларида: “Субҳана Роббиял-азим” (Буюк

Copyright 2022 • **Ислом Нури** • www.islomnuri.com

Парвардигоримни поклайман), саждаларида эса: “Субҳана Роббиял-аъла” (Олий Парвардигоримни поклайман) дер эдилар.

□□□□□□□□□□ □□□□□ □□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□ □□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□ □□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□□□ □□□□ □□□□) □□□).

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Оиша розияллоҳу анҳо шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам рукуъ ва саждаларида: “Субҳанакаллоҳумма Роббана ва биҳамдик, Аллоҳуммағфир лий” дер эдилар. (Маъноси: Эй Аллоҳ! Сен (барча айбу нуқсондан) покдирсан. Эй Парвардигоримиз! Сенинг ҳамдинг билан (тасбеҳ айтаман). Эй Аллоҳ! Мени мағфират этгин).

□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□ □□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□ □□□□□□□ □□□□□ □□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□ □□□□ □□□□) □□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□□□□ □□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□).

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Оиша розияллоҳу анҳо шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам рукуъ ва саждаларида: “Суббуҳун қуддусун роббул-мала-а-икати вар-руҳ” дер эдилар. (Маъноси: Аллоҳ (ҳар қандай айбу нуқсондан) Пок ва муқаддас Зотдир. Малоикалар ва Руҳ (Жаброил)нинг Парвардигоридир.)

□□□□□□□ □□□□□ □□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□ □□□□ □□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□ □□□□□□□□ □□□□□ □□□□□□□□□□□ □□□□) □□□□□□ □□□□□□□□□□□ □□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□ □□□□□□□□□□□□□

□□□□).

Имом Муслим Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Огоҳ бўлингиз, мен рукуъ ёки сажда қилган ҳолда Қуръон ўқишдан қайтарилдим. Рукуъда Парвардигор азза ва жаллани улуғлангиз, саждада эса дуога жидди-жаҳд қилингиз, ижобат қилинишга лойиқ бўласизлар» дедилар.

Шарҳ:

Намоз ўқувчи киши рукуъда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларига мувофиқ такбир билан қўлларини кўтариши, рукуъда турганда Аллоҳ таолога кўп тасбеҳ айтиши ва Аллоҳ таолони улуғлаши суннат. Мазкур зикрларнинг ҳаммаси Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларида ворид бўлган. Бизнинг диёрларда амал қилинган уч марта “Субҳана Роббиял-азим” дейиш ҳадисларда ворид бўлган, лекин уни уч мартадан кўпроқ айтиш ёки бошқа лафзларда келган дуоларни кўпроқ айтиб туриш суннатга яна ҳам яқинроқ бўлади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Рукуъда “Субҳана Роббиял-азийм”ни камида уч марта айтиш суннат.
2. Рукуъда Аллоҳ таолога кўп тасбеҳ айтиш мустаҳаб.
3. Рукуъда Қуръон ўқишдан қайтарилган.

Copyright 2022 • **Ислом Нури** • www.islomnuri.com